

БАНК АЖБОРОТНО МАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 30 (533) 2006 йил 2 август

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ДОИРАСИ КЕНГАЙДИ

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан «Тезкор-кредит» (Тошкент шаҳри) ва «Агросаноатфинанс» (Андижон шаҳри) кредит уюшмаларига фаолият кўрсатиши учун тегишли лицензия берилди.

«Тезкор-кредит» кредит уюшмасининг фақат пул маблағларидан ташкил топган устав фонди 24,4 млн. сўм, «Агросаноатфинанс»ники эса 13,7 млн. сўмдан кўпроқ миқдорда шакллантирилди.

Ҳар икки кредит уюшмаси ўз аъзоларининг маблағларини депозитларга жалб этиш орқали уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратади. Шунингдек, уларга ўрнатилган тартибда касса хизматлари кўрсатади.

Ҳозирги пайтда республикамиздаги кредит уюшмалари сони 31 тага етди.

ЛОМБАРДЛАР СОНИ БИТТАГА КЎПАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 50-моддасига асосан «Kredit-investor» масъулияти чекланган жамиятга (Тошкент шаҳри) ломбард фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берди. Жамият фуқароларнинг кўчар мулкни гаров олиш эвазига уларга кредит ажратади.

Шундай қилиб, ломбардлар сони 9 тани ташкил этмоқда.

Марказий банк
Матбуот хизмати.

«ФАЛЛАБАНК»: БАНК АКТИВЛАРИ 95,7 МЛРД. СЎМГА ЕТДИ

Маълумки, барча молиявий ташкилотлар, жумладан банклар ҳам молиявий йилнинг ҳар бир чорак ниҳоясида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар яқунлари бўйича банк бошқаруви йиғилишини ўтказадилар.

Хусусан, яқинда мана шундай фаолият сарҳисоби республика акциядорлик-тижорат «Фаллабанк» да ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳукуматимиз томонидан белгиланган банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга доир вазифаларнинг ижроси ҳамда «Фаллабанк» РАТБнинг барча филиаллари фаолияти ўрганиб чиқилди. Шунингдек, йиғилишда миқозларнинг ўз депозит ҳисобварақларидаги маблағлари доирасида нақд пулга бўлган талабларини чекловларсиз таъминлаш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерларга яқиндан молиявий кўмак бериш, уларнинг техника ва эҳтиёт қисмларга эгалик қилиш мақсадларини банкнинг кредит, лизинг ва факторинг хизматлари асосида молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилиш доирасини кенгайтириш ҳамда жисмоний шахсларга истеъмол учун микрокредитлар беришни фаоллаштириш каби долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Банк томонидан 1-ярим йиллик давомида Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизими фаолияти асосий кўрсаткичлари устидан мониторинг ўрнатиш тўғрисида»ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, банк капиталининг адекват ўсиши ҳамда барча асосий кўрсаткичларининг талаб доирасида бўлиши устидан доимий мониторинг ўрнатилгани қайд этилди.

Ҳозирги кунда «Фаллабанк» РАТБ жами 32 та филиал, 75 та мини-банк, 151 та жамғарма, 69 та валюта айирбошлаш ва 9 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаларига эга бўлиб, турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. 2006 йилнинг 1 июл ҳолатига банк активларининг умумий қиймати 95,7 млрд. сўмга етди ёки йил бошига нисбатан ўсиш суръати 24 фоизни ташкил этди. Банкнинг умумий капитали эса, 18,0 млрд. сўмга, шу жумладан устав капитали 6,0 млрд. сўмга етказилди.

Банкнинг 2006 йилга мўлжалланган кре-

дит сиёсати мувофиқ, йил давомида барча миқозларнинг, хусусан, иқтисодийнинг реал секторини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган кичик бизнес субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиришга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, кичик бизнес субъектларига банкнинг барча маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар қолдиғи 11,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини ўз вақтида қондириш мақсадида банк томонидан истеъмол учун микрокредитлар ажратиш механизми жорий қилинган бўлиб, 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур йўналишга ажратилган кредит маблағларининг умумий миқдори 633,9 млн. сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 308-Қарори талабларига мувофиқ жорий йилнинг ўтган ярим йиллиги мобайнида банкнинг филиаллари томонидан кам таъминланган оилаларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши йўлга қўйилди.

«Фаллабанк» РАТБ томонидан ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасидаги қарорлари ижросини таъминлаш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, айни пайтда банкка қарашли жами 75 та мини-банкларнинг 66 таси айнан қишлоқ хўжалик корхоналарига, жумладан мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари бўйлаб хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик техникалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига зарур бўлган асбоб-ускуналар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари учун махсус дастгоҳларни микролизинглаш ишлари ҳам самарали бажарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БУ СОНДА:

2

Тижорат банкларининг ярим йиллик фаолият натижалари

3

Кредит уюшмалари тизими такомиллаштирилди

4

Commerzbank AG Ўзбекистонда

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 1 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	940,30
1 Англия фунт стерлинги	2288,48
1 Дания кронаси	209,96
1 БАА дирҳами	334,01
1 АҚШ доллари	1226,74
1 Миср фунти	213,66
1 Исландия кронаси	16,94
1 Канада доллари	1086,00
1 Хитой юани	153,84
1 Кувейт динори	4242,13
1 Россия рубли	45,65
1 Украина гривнаси	242,92
100 Ливан фунти	81,78
1 Малайзия ринггити	336,09
1 Норвегия кронаси	198,78
1 Польша злотийси	397,62
1 Сингапур доллари	777,80
1 СДР	1813,49
1 Туркия лираси	823,70
1 Швеция кронаси	169,81
1 Швейцария франки	996,38
1 ЕВРО	1566,06
10 Жанубий Корея вони	12,85
10 Япония иенаси	107,28

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯҚУНЛАРИ

Банк соҳасида халқаро тажрибага эга «Ўзсаноатқурилиш-банк» мамлакат иқтисодийотидаги ўз ўрнини мустақамлаб бормоқда. Банк доимий равишда ўзининг молиявий барқарорлигини ошириб, активлар сифати ва уларнинг даромадлигини ошириш орқали хизмат кўрсатиш турларини кенгайтирмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Банкни ривожлантириш стратегияси ҳамда Активлар ва пасивлар бошқармалари берган маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида банкни капитализация қилиш жараёни давом этди. Жумладан, 2006 йил 1 июл ҳолатига банкнинг ўз маблағлари 55,3 млрд. сўм миқдорига шаклланиб, жорий йил бошига нисбатан 32,6 фоизга ўсди.

Акцияларни қўшимча эмиссия қилиш натижасида биринчи ярим йилликда устав капитали ҳажми 33,6 фоизга кўпайиб, 15,1

млрд.сўмни ташкил этди. Банк активлари эса 642,5 млрд.сўмга етказилиб, йил бошига нисбатан 18,4 фоизга ўсди.


Банк томонидан ўтказилаётган операциялар ҳажмининг кенгайиши, активлар структурасининг оптималлашуви 2006 йилнинг 1-ярим йиллигида олинган даромадлар миқдорини кўпайтиришга имконият яратди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, банк активларининг 57,2 фоизини ёки 367,3 млрд.сўмини кредит қўйилмалари ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 1 август ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1227,00	1230,00	1567,00	1587,00
«Асака» банки	1227,00	1230,00	1567,00	1572,00
«Ўзсаноатқурилишбанк»и	1227,00	1230,00	1566,00	1576,00
«Пахта Банк»	1227,00	1230,00	1566,00	1570,00
«Халқ Банк»и	1227,00	1230,00	1567,00	1580,00
«Ипотекабанк»	1227,00	1230,00	1567,00	1575,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1227,00	1228,00	1566,00	1568,00
«UzKDBбанк»	1227,00	1235,00	1566,00	1589,00
«Фаллабанк»	1227,00	1232,00	1566,00	1572,00
«Трастбанк»	1227,00	1228,00	1567,00	1577,00
«Алт Жамол банк»	1227,00	1235,00	1566,00	1577,00
«Алокабанк»	1227,00	1230,00	1566,00	1589,50
«У-Т банк»	1227,00	1230,00	1567,00	1586,00
«Туронбанк»	1227,00	1232,00	1566,00	1570,00
«Савдогарбанк»	1227,00	1230,00	1567,00	1580,00
«Ипак йўли» банки	1227,00	1228,00	1566,39	1567,67
«Микрокредитбанк»	1227,00	1230,00	1566,00	1570,00
«Туркистон» банк	1228,00	1230,00	1540,00	1580,00
«Даврбанк»	1227,00	1232,00	1580,00	1595,00
«Кредит-Стандарт» банки	1227,00	1230,00	1566,50	1580,00
«Капитал банк»	1227,00	1230,00	1566,70	1590,00
«Содерат банк»	1227,00	1235,00	1520,00	1590,00
«Хамкорбанк»	1227,00	1235,00	1567,00	1587,00
«Универсалбанк»	1227,00	1235,00	1566,00	1576,00
«Парвинабанк»	1227,00	1230,00	1564,00	1567,00



«ГАЛЛАБАНК»: БАНК АКТИВЛАРИ 95,7 МЛРД. СЎМГА ЕТДИ

(Боши 1-бетда).

Банкнинг 1-ярим йиллиги давомида лизинг амалиётлари га йўналтирилган маблағлари миқдори 4560,8 млн. сўмни ташкил этди.

Мини-банклар орқали фермерларга хизмат кўрсатиш билан бирга, қишлоқ аҳолисини электр энергияси, коммунал ва бошқа тўловларини қабул қилиш ҳамда барча турдаги чакана банк хизматларини кўрсатиш юзасидан ҳам эътиборга молик ишлар қилинмоқда.

Банк томонидан мунтазам равишда пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжаликлари га имтиёзли кредитлар ажратилиб борилмоқда. Хусусан, худудларда жойлашган банқ филиаллари томонидан фермер хўжаликлари га 2006 йилги галла ва пахта хом ашёсини етиштириш учун қилинадиган сарф-харажатларга жами 20626,1 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Галла ҳосили ўрми-йиғимини самарали ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари ни сифатли техникалар билан таъминлаш мақсадида

банк билан Германиянинг «Клас КГаА» командит жамияти ўртасида 40 донга «Доминатор-130» русумли комбайн сотиб олиш юзасидан 3949 млн. сўмлик шартнома тузилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу комбайнлар лизинг асосида фермерларга тўлик етказиб берилди.

Бундан ташқари, «Галлабанк» РАТБ хорижий кредит линияларини мамлакатимиз бўйлаб иқтисодиётнинг муҳим соҳалари га йўналтиришга катта аҳамият бермоқда. Бунга мисол қилиб, 2003 йилдан 2006 йилнинг июл ойига қадар Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг умумий ҳажми 1696,9 минг АҚШ долларини ташкил этувчи кредит линияси тўла ўзлаштирилганлигини айтса бўлади.

Аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш ҳамда банк депозит базасини янада мустаҳкамлаш борасида ҳисобот даврида аҳолига янада қулай ҳамда икки томонлама манфаатли 5 та янги омонат турлари жорий этилди. Ушбу омонатларга айна пайтга қадар 38 мингдан ортиқ мижозлар ўз маблағларини жойлаштирган. Бунинг

натijasида, аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиғи жорий йил 1 июл ҳолатига 7202,1 млн. сўмга етказилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 512,8 млн. сўмга ошганлигидан далолатдир.

Шунингдек, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, жумладан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш борасида ҳам банк томонидан кўпгина амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 1-ярим йиллик давомида 4368 донга пластик карточкалар эмиссия қилинган бўлиб, уларнинг умумий сони 65 минг донадан ортди. Ўз навбатида, ҳисобот даври давомида пластик карточка ҳисобварақлари орқали амалга оширилган операциялар 2,4 млрд. сўмга яқинлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Галлабанк» РАТБ юқоридаги кўрсаткичлар билан чегараланиб қолмай, 2006 йил учун белгиланган бизнес режадаги барча вазифаларни босқичма-босқич аъло даражада бажаришни мақсад қилиб қўйди.

Назира МАВЛОНОВА.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти давомида Марказий банк томонидан ўрнатилган барча мажбурий иқтисодий меъёрларга оғишмай риоя этди.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида банкнинг асосий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган капиталнинг энг кам етарлилик коэффиценти 0,10 бўлгани ҳолда 0,137-0,146 даражада сақланиб турган бўлса, банк ликвидлиги кўрсаткичи меъёрда 30 фоиз бўлгани ҳолда 47,0 фоиздан 55,4 фоиз даражасида сақланиб турди.

Банк айниқса ресурс базасини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2006 йил 1 июл ҳолатига банк бўйича молиявий ресурсларнинг жами ҳажми 342,5 млрд. сўмни ташкил этди. Шуни таъкидлаш лозимки, ресурслар базасининг ривожланиши мижозлар базасининг кенгайишига замин яратмоқда. Ҳисобот даврида хизмат кўрсатилувчи мижозлар кескин кўпайиб, уларнинг сони 27587 тага етди. Мижозларнинг талаб қилиб олинган ҳисобварақлари қолдиқлари кўпайиб бориб, ресурслар тузилмасининг 20,7 фоизини ташкил этди. Банк маблағларининг кредит ресурсларидаги умумий улуши 64,5 фоизга етди. Банк ушбу маблағлар ҳажмини ошириб бориш билан бир қаторда мақсадли давлат дастурини бажариш учун жалб қилинган марказлашган ресурслар улушини камайтириб бормоқда. Ҳисобот санасига уларнинг умумий ресурслар ҳажмидаги улуши 10,1 фоиздан 8,7 фоизга камайди.

Лайло АЗИЗОВА

«ЎКТАМБАНК» КАТТА МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

«Ўктамбанк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки мижозлари сони бугунги кунда 1894 тага етди, уларнинг мингдан ортиғи Қашқадарё вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалик соҳасини кенгайтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобланади.

Айни пайтда банклар ўртасидаги рақобат муҳити «Ўктамбанк»ни катта мақсадлар сари етакламоқда. Банк хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш ҳақи тўлаш, чакана савдон аналга ошириш, коммунал ва бошқа хизматлар учун яқка тартибда ва корпоратив пластик карточкаларни кенг жорий этиш каби яқин келажакка мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Шунингдек, мижозлар узоғини яқин қилиш, уларга зарур қулайликлар яратиш мақсадида банк мини-банклар ва жамғарма кассалар тармоғини кенгайтириб бормоқда. Хусусан «Ўктамбанк»нинг бугунги кунда Қарши шаҳрида, Бешкент, Касби, Косон ва Шаҳрисабз туманлари марказларида ҳамда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида мини-банклари очилиб, аҳолига юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бу айниқса, кун бўйи даладаги юмушлари билан банд бўлувчи фермерлар учун катта имконият туғдирди. Уларга банк ойнанинг ҳар 15 кунда ойлик маоши тарқатиб боради. Хусусан, жорий йил бошидан буён банк галла ва пахта етиштирувчи фермерларга 494,3 млн. сўмлик иш ҳақларини тарқатган.

Банк ўз капитали, Молия вазирлиги ҳузуридаги Фонд ҳамда нобюджет фондлар маблағлари ҳисобидан мунтазам равишда фермер ва деҳқон хўжаликлари ни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб келмоқда. Хусусан, галла етиштириш учун 579,5 млн. сўмлик, пахта ҳосили учун 1745,3 млн. сўмлик маблағлар бевосита Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган пахта ва галла ҳосили учун ҳисоб-китоблар фонди ҳисобидан имтиёзли фоизлар асосида берилган.

«Ўктамбанк»нинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳам бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим жабҳаларига йўналтирилган. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун жалб қилинган маблағлар ўз самарасини бермоқда. Бунга мисол қилиб, Қарши туманидаги «Нуқробод» фермер хўжалиги фаолиятини келтириб ўтишимиз мумкин. 40 га ер майдонида пахта, 30 га ер майдонида галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб келаётган мазкур фермер хўжалик банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 25 млн. сўмлик кредит олиб, ўтган йилги молиявий фаолиятини қарийб 30 млн. сўмдан ошиқ соф фойда билан яқунлади. Халқ ризқи бўлган дон маҳсулотини давлатга ортиғи билан топшириб, нафақат туман, балки вилоятдаги энг илғор фермер хўжаликлар қаторидан жой олган ушбу хўжалик жорий йилни 50 млн. сўмлик соф фойда билан яқунлашни мўлжаллаган. Вилоятнинг Миришкор туманидаги «Хўжан» фермер хўжалиги ҳам банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 28 млн. сўмлик кредит олиб, иш унумдорлигини ошириш мақсадида ВТ-150 русумли трактор сотиб олишга муваффақ бўлди.

Умуман олганда, «Ўктамбанк»нинг ўз маблағлари ва нобюджет фондлар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 1-ярим йиллик давомида 2295,0 млн. сўмни ташкил этади.

ХОАТ «Ўктамбанк» бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлар ҳамда тадбиркорлар талабини бажариш билан бирга, оддий аҳоли учун ҳам ўзининг замонавий банк хизматларини жорий этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилда банк аҳоли кўлидаги бўш пул маблағларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадини ошириш мақсадида «Саховат», «Янги йил туҳфаси» каби омонатларини тақдим қилди. Айни пайтда банкдаги аҳоли омонатлари қолдиғи 367,6 млн. сўмни ташкил этади, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 134,0 млн. сўмга кўп демакдир. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар борасида сўз кетганда банкнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими фаолиятини ҳам эътироф этишимиз лозим. «Ўктамбанк» тизимида айни пайтда мазкур амалиётни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, банк яқинда республика Банклар ассоциацияси қошидаги Умумреспублика Процессинг марказининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Ўз навбатида, бундай хизматлар нафақат юридик ва жисмоний шахсларнинг, балки банк фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши табиий. Буни яқин билган ХОАТ «Ўктамбанк» Бошқаруви бевосита банк Кенгаши билан келишган ҳолда ишни ҳодимлар малакасини муттасил ошириб боришга қаратмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

БАНК КРЕДИТИ – САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ГАРОВИ

Акциядорлик-тижорат «Туронбанк» ўтган 15 йил мобайнида нафақат кўрсатилаётган хизматлари сонининг ортиши, балки сифатли хизматлари орқали ҳам ўз мавқеига эга бўлди. Айни вақтда банк томонидан мижозларга ўндан ортиқ янги банк хизматлари, масалан, факторинг ва лизинг хизматлари, пластик карточкалар орқали ҳамда халқаро пул ўтказмалар тизими орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда бошқа банклар қаторида «Туронбанк» ҳам асосий сиёсатини бевосита кредит хизматлари билан боғлайди. Масалан 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига жами кредит қўйилмалари 28,8 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йил 1 июл ҳолатига келиб ушбу кўрсаткич 37,7 млрд. сўмни ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг 4,9 млрд. сўми факторинг хизматлари ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит ажратилишида «Туронбанк» бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ҳамда тижорат банкларининг кредит линиялари маблағларидан ҳам унумли фойдаланишга муваффақ бўлди. Жумладан, мазкур мақсадда Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вазирлиги Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланилди.

Жумладан, йил бошидан буён Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси маблағи ҳисобидан 5 та субъектга 48,0 млн. сўм, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағи ҳисобидан 59 та субъектга 618,5 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилган.

Банк томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар туфайли йил бошидан буён 951 та янги ишчи ўринлари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси билан «Туронбанк» ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли ва 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли Қарорлари асосида имзоланган келишувига

биноан жорий йилда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари га 47 млрд. сўм ва галла етиштирувчи хўжаликларга 13 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.


Мижозларга кўрсатилаётган кредит хизматлари турини кўпайтириш мақсадида банк тизимида лизинг операцияларининг амалга оширилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра жами 16 та хўжалик юритувчи субъектларга 1,9 млрд. сўм ҳажмда лизинг хизматлари кўрсатилди.

Бугунги кунда кредитларни иқтисодиётнинг реал секторига ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга қурилиш объектларига йўналтиришга ҳаракат қилинмоқда. Жорий йилда 6 та объект қурилиши бўйича жами 2,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилган.

Бугунги кунда банк томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва уларни ўзлаштириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредит линияси ҳисобидан банкнинг бешта филиалида жами 200 минг АҚШ доллари миқдорда кредит ресурслари қишлоқ жойларидаги кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди ва қишлоқ хўжалик корхоналарига техникалар сотиб олинди.

Бундан буён ҳам банк таклиф қилаётган кредит ва факторинг хизматлари кундан-кунга кенгайиб боради ва молия бозоридаги воситачилик ролини фаоллаштириб, келажакда халқ манфаатлари йўлида мижозларга янги-янги банк маҳсулотларини тақдим этади деб умид қиламиз.

Эъзоз КАМОЛОВА.



ЎЗР ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИГА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

Шу йил июн ойида дунёнинг энг йирик банкларидан бири, айни вақтда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг энг йирик вакил банкларидан бири бўлмиш Ситибанк ЎЗР ТИФ Миллий банкининг сифатли ишини эътироф этиш ҳақида сертификат топширди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз банк тизими умумий активларининг 65 фоизидан ортиғи ва банк тизими жами сармоясининг 50 фоизидан кўпроғи Миллий банк ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозир банкнинг асосий куч-ғайрати устувор тармоқларга чет эл инвестицияларини фаол жалб этишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга, корпоратив ва чакана миқозларни кўпайтиришга, фонд бозорига ишлаш самарасини оширишга, Миллий банкининг институциявий ривожланиш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқишга қаратилган.

ТЎҚИМАЧИЛИК ГИГАНТИНИНГ ХЎЖАЙИНИ ЎЗГАРДИ

Хиндистоннинг Spentex Industries компанияси Ўзбекистонда баҳоси 81 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган "Тошкент-Тўйтепа текстил" МЧЖ тўқимачилик корхонасини сотиб олди, деб хабар қилишди корхона активларининг эгаси бўлган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (ЎЗР ТИФ МБ) раҳбариятидан.

ЎЗР ТИФ МБ вакилининг аниқлик киритишича, яқинда Spentex Industries билан банк ўртасида имзоланган олди-сотди шартномасига мувофиқ хинд компанияси битим бўйича пулларни тўрт йил мобайнида тўлайди.

"Тошкент-Тўйтепа текстил" МЧЖ 2005 йил июл ойида ЎЗР ТИФ МБ билан "Ўзинтеримпекс" давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси томонидан "Kabool-Uzbek Co. Ltd." Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг моддий активлари негизда ташкил этилган эди. Бу қўшма корхона республиканинг чет эл инвестицияси иштирокида энг йирик тўқимачилик корхонаси бўлиб, ўтган йили 50 млн. АҚШ доллари миқдоридagi қарзни узиш учун кредиторларга сотилган эди.

"Kabool-Uzbek Co. Ltd." қўшма корхонаси 1998 йилда "Ўзбекенгилсаноат" ассоциацияси билан Жанубий Кореянинг Kabool Textiles Co. Ltd. компанияси томонидан ташкил этилган ҳамда Тўйтепа шаҳри (Тошкент вилояти) ва Тошкент шаҳридаги умумий баҳоси 220 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ва лойиҳа қуввати 48 минг тонна калава ип ва 23 млн. метр хом сурп ишлаб чиқариш имкониятини берадиган иккита йигирув фабрикасини ўз ичига олади.

"Ўзбекенгилсаноат" ва Kabool Textiles Co. Ltd. томонидан тенг шериклик асосида ташкил этилган "Kabool-Fergana Co. Ltd." қўшма корхонаси 2002 йилда Фарғонада баҳоси 118 млн. АҚШ долларига тенг бўлган тўқимачилик фабрикасини ишга туширди. Корхонанинг лойиҳа қуввати йилга 21,6 минг тонна калава ип ва 12,3 млн. метр хом сурп ишлаб чиқариш имкониятини беради.

"Туркистон-пресс" НАА.

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда, истеъмол бозорини сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда ҳамда энг асосийси аҳолини иш билан бандлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда банклар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти ортиб бормоқда.

Республика Марказий банкининг Кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳамда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Ж. А. Абдурасулов билан бўлиб ўтган суҳбат «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги янги Низомга бағишланди.

- «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги янги Низомни ишлаб чиқиш учун асосий сабаб нима бўлди?

Жорий йилнинг 4 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кредит уюшмалари фаолиятининг қонунчилик базасини яхшилаш, шунингдек, кредит уюшмалари тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмининг такомиллаштириш мақсадида "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун доирасида кредит уюшмаларига лизинг опреацияларини амалга ошириш, республика ҳудудига филиаллар очиш ҳамда Марказий банк томонидан ушбу кредит ташкилотларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли тартибда касса амалиётларини ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Айнан ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан Ўзбекистон ҳудудига кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш, шунингдек улар томонидан филиаллар очиш тартибини белгиловчи "Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилган.

Янги низом мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари, вазирлик ва идоралар ҳамда жамоатчилик ташкилотлари таклифлари ва жаҳон тажрибаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва уларни лицензиялаш тартибини мукаммаллаштириш ва шу орқали кредит уюшмалари тизимини мустақамлашга қаратилган.

- Аввалги Низомга қандай муҳим қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди?

Янги Низом доирасида кредит уюшмалари устав фондининг энг кам миқдорига қўйилган талаблар оширилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида тузилаётган кредит уюшмалари 50 минг АҚШ доллари эквивалентида бўлган устав фондига, республиканинг бошқа ҳудудларида тузилаётган кредит уюшмалари эса 25 минг АҚШ доллари эквивалентида бўлган устав фондига эга бўлишлари лозим.

Шу билан бирга, кредит уюшмаси аъзолари сонига ҳамда унинг устав фондига қўйилган талаблар ижросини таъминлаш мақсадида уюшма муассислари томонидан устав фондини шакллантириш учун кредит уюшмаси номига тижорат банкида очилган вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига ўз пай бадалларини шахсан топширишлари белгиланган.

Бунда янги Низомга мувофиқ кредит уюшмаси тегишли лицензия олгунига қадар, банкларда очилган вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига қўшимча пул маблағларини қўйиш ёки жамғарилган пул маблағларини қайтариб олишга йўл қўйилмайди.

Низомга киритилган муҳим ўзгартиришлардан бири бу рўйхатга олиш учун талаб этилган ҳужжатлар тўпламини муассислар умумий йиғилиши томонидан кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг 90 кундан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки унинг ҳудудий Бош бошқармасига

тақдим этиш талабидир. Бу талаб тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларни эски эмаслигини ҳамда уюшма муассисларининг зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга масъулият ва ушқоқлик билан ёндашишларини таъминлайди.

Янги низомда кредит уюшмаси уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳам белгилаб берилган. Хусусан, Низомда уюшма уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари қайд этилган.

Шунингдек, Низомда республикаимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари томонидан Ўзбекистон ҳудудига филиалларни тузиш тартиби ҳам ёритиб берилган.

- Янги Низом республикада фаолият юритаётган кредит уюшмаларининг ишлаш жараёнига қандай таъсир қилади?

Юқорида айтиб ўтганимиздек, янги Низом доирасида кредит уюшмалари устав фондининг энг кам миқдорига қўйилган талаблар оширилди. Мазкур талаблар мамлакатимизда янги тузилаётган кредит уюшмалари ва фаолият юритаётган кредит уюшмаларига бирдек тааллуқлидир. Табиийки, рўйхатдан ўтиб бўлган лекин устав фонди мазкур талабларга жавоб бермайдиган кредит уюшмалари ушбу талабларни қандай қилиб бажаришлари мумкин деган савол туғилади.

Янги Низомга мувофиқ ушбу кредит уюшмалари ўз устав фондларини Низом кучга кирган кундан, яъни жорий йилнинг учинчи июлидан бошлаб бир йил давомида Низомда белгиланган устав фондининг энг кам миқдорига етказишлари лозим бўлади.

Шу билан бирга, Низомда кредит уюшмалари томонидан билдирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган аъзолик сертификатининг янги шакллари белгиланган. Кредит уюшмалари жорий йилнинг учинчи июлидан кейин кредит уюшмалари аъзоллигига кирган шахсларни ҳамда пай бадали миқдорини ўзгартириш истагида бўлган аъзоларини Низомда белгиланган шаклдаги аъзолик сертификатлари билан таъминлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ кредит уюшмалари республика ҳудудига Марказий банк томонидан ўрнатилган тартиб асосида филиаллар очишлари мумкин. Ушбу тартиб янги Низомда белгилаб берилган.

Низомга мувофиқ кредит уюшмаси филиали кредит уюшмаси Кенгаши қарорига биноан Марказий банкда ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Бунда филиал очиб истагида бўлган кредит уюшмасининг молиявий аҳволи қониқарли бўлиши, кунлик жамлама бухгалтерия балансини тузиш учун керакли дастурий-техник воситаларга ҳамда малакали бухгалтерия ходимларига эга бўлиши лозим.

Шунингдек, Низом кредит уюшмаси филиалини ҳисобга олиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини, уларни Марказий банк томонидан кўриб чиқиш тартибини ва муддатларини белгилаб беради.

- Янги ташкил этилажак кредит уюшмалари ушбу Низомнинг қайси бандларига алоҳида эътибор бермоғи лозим?

Кредит уюшмасини очиш истагида бўлган муассислар "Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг бешинчи ва олтинчи бўлимлардаги бандлардан ташқари бошқа барча бандларини атрофлича ўрганиб чиқишлари лозим.

Низомнинг биринчи бўлими кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдори ва устав фондини шакллантириш тартибини белгилаб беради. Жумладан, ушбу бўлимнинг тўртинчи бандига мувофиқ кредит уюшмаси аъзолари томонидан пай бадалларнинг устав фондини шакллантириш учун кредит уюшмаси номига тижорат банкида очилган вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига шахсан топширилишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Низомнинг иккинчи бўлими кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш учун йиғим миқдори ва уни тўлаш тартибини белгилайди. Низомнинг учинчи бўлими кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва уларни лицензиялаш билан боғлиқ бўлган асосий масалаларни ёритиб беради. Хусусан, ушбу бўлимнинг тўққизинчи бандига кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда лицензия олиш учун Марказий банкка тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни қонунчиликка мувофиқ рамийлаштиришга масъул бўлган ваколатли шахсни тайинлаши ҳамда у томонидан ҳужжатларни тақдим этиш тартиби белгиланган.

Шунингдек, мазкур бўлимнинг ўнинчи бандига Марказий банк томонидан кредит уюшмасининг бизнес режасига талаблар қўйилган. Бизнес-режа кредит уюшмасини ривожланиш истиқболлари, жойларда кредит уюшмаси хизматларига бўлган талабни ва бозордаги рақобатни ёритиб берувчи муҳим ҳужжатдир. Талаб даражасида ишлаб чиқилган бизнес-режа асосида кредит уюшмаси муассисларнинг кредит уюшмасини очиш, унинг фаолиятини тўғри равишда ташкил этиш ва уюшмани барқарор ривожланишини таъминлаш имкониятларига баҳо бериш мумкин бўлади.

Шунинг учун кредит уюшмаси муассисларидан бизнес-режани ишлаб чиқишда алоҳида эътибор билан ёндашишлари, жойлардаги молиявий хизматларга бўлган талаб ва таклифни атрофлича ўрганишлари, мазкур изланишлар асосида ташкил этилаётган кредит уюшмаси томонидан тақдим этилиши мумкин бўлган омонат ва кредит турларини режалаштиришлари сўралади.

- Кредит уюшмаларининг фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш борасида департаментда яна қандай муҳим ишлар амалга оширилмоқда?

Ҳозирги кунда Марказий банкда республикада фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича аниқ механизм яратилган бўлиб, кредит уюшмалари молиявий фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш ва бевосита жойга чиқиб ўрганиш тизими жорий этилган.

Кредит уюшмалари молиявий ҳолати таҳлили ва ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, уюшмалар аъзолари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уюшма Кенгашига мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш юзасидан кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Шунингдек, республикаимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари раҳбарларининг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон кредит уюшмалари ассоциацияси мутахассислари билан биргаликда мунтазам равишда амалий ўқув семинарлари уюштирилиб боришмоқда.

Шу билан бирга, кредит уюшмаларининг ички ҳужжатларини ишлаб чиқишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида Марказий банк томонидан намунавий Низом ҳамда бизнес-режа, шунингдек, уюшма фаолиятини ташкил этишда қўлланиладиган бошқа ҳужжатлар тўпламининг намунавий нусхалари ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланишлари учун юборилган.

Лайло АЗИЗОВА суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ БИНОЛАРИ ҲАМДА ИНШООТЛАРИ БИЛАН БАНД БЎЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлар мулкий ҳуқуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу бандда назарда тутилган ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгаллик ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

2. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ хусусийлаштирилмаган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлари томонидан доимий фойдаланиб келинаётган ер участкалари 2008 йилнинг 1 январига қадар эллик йилгача, аммо ўттиз йилдан кам бўлмаган узоқ муддатли ижарага қайтадан расмийлаштирилиши лозим.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи шартномада кўрсатилган муддат тугамасдан тўхтатилиши ёки ижарага олинган ер участкасини майдони қисқартирилиши мумкин.

3. 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари резидентларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкалари қўйидаги тартибда хусусийлаштирилади:

ушбу Фармон чиққан пайтда амалда эгаллаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгаллик ҳуқуқи билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида;

ер участкаларини яқка тартибда уй-жой қурилишига ким ошди асосида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда сотиш чоғида, кейинчалик мулкка эгаллик ҳуқуқини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

томонлар – кўчмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахснинг аҳдлашувчи бўйича яқка тартибдаги уй-жойни сотиш ёки ҳада этиш (яқин қариндошлар бундан мустасно) чоғида мажбурий тартибда.

4. Қўйидагилар белгилансин:

кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорларда яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун берилган ер участкаларини хусусийлаштириш қатъиян бозор нархлари бўйича амалга оширилади;

фуқаролар томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ер участкаларини олишда илгари тўланган қиймат ким ошди савдолари натижалари бўйича ер участкаларини хусусийлаштириш учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади;

хусусийлаштирилган ер участкасини оборотда, жумладан харид қилиш – сотиш, айирбошлаш, ҳада қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2007 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш чоғида бозор нархларини белгилаш учун асос сифатида қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган ерлар кадастрини ишлаб чиқсин ва апробациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Давархитектурурилиш» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги 2006 йилнинг 1 октябригача:

юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда бозор қийматини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларини, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган уларга туташ участкаларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун берилладиган ер участкаларини хусусийлаштириш ва уларнинг бозор қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

ер участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилансинки, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар давлат бюджетига тўлиқ ўтказилади ва 80 фоиз миқдори республика бюджетига ҳамда 20 фоиз миқдори тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштиришда мақсадли фойдаланилади. Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришдан республика бюджетига тушадиган маблағларнинг камида 3 фоизи инвентаризация, муҳандислик инфратузилмаси бош режалари ва схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда тузатишлар киритиш, ер кадастрларини шакллантириш ва иқтисодий зоналарга ажратиш бўйича қилинадиган сарф-харажатларни қоплашга йўналтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 24 июл.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 13 майдаги
11/9-сонли қарори билан
тасдиқланган
№ 637**

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

*Кредит уюшмаларини
рўйхатга олиш ва уларга
лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги
Низомга 3-сонли илова*

(Давоми. Боши 29-сонда).

КРЕДИТ УЮШМАСИГА АЪЗОЛИК ТЎҒРИСИДА

_____ - сонли **СЕРТИФИКАТИ**

№ _____
(аъзо тартиб рақами)

20 й « _____ » _____ шаҳри

Ушбу сертификат _____
(кредит уюшмасининг тўлиқ номи)

_____ (почта манзили ва бошқа реквизитлар)

қуйидагиларни тасдиқлаш учун берилди

_____ (Ф.И.Ш. манзил, жисмоний шахслар учун паспорт маълумотлари ёки юридик шахснинг тўлиқ номи)

юқорида кўрсатилган кредит уюшмасининг аъзоси деб _____
(кредит уюшмасига аъзо бўлган сана)

_____ ҳисобланади.

Имзо: _____
(кредит уюшмаси раҳбари)

Мухр

Серия № _____

**Кредит уюшмасига аъзолик тўғрисида
_____ -сонли Сертификатига илова**

ПАЙ БАДАЛИ МИҚДОРИ

Пай бадали миқдорини киритган (ўзгартирган) сана	Пай бадали қолдиғи	Аъзо имзоси	Бош бухгалтер имзоси (муҳр)

**Кредит уюшмаларини
рўйхатга олиш ва уларга
лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги
Низомга 4-сонли илова**

**БИЗНЕС-РЕЖАНИ ИШЛАБ ЧИКИШ БЎЙИЧА
ТАВСИЯЛАР**

I. Умумий маълумот

Кредит уюшмасининг фирма номини ва манзилини кўрсатиб ўтинг.

II. Кредит уюшмасининг фаолияти тавсифи

Кредит уюшмасининг асосий фаолият йўналишини кўрсатинг.

Кредит уюшмасининг мўлжалланган хизматлар рўйхатини ва уларни амалга ошириш режасини кўрсатинг. Мўлжалланган хизматларни қисқача тавсифи ҳамда уларни омонатлар, кредитлар ва бошқа хизматлар бўйича таснифини тақдим этинг.

Хизматларни амалга ошириш режасини тақдим этинг. Мўлжалланган хизматларни жорий этиш стратегиясини тавсифлаб беринг. Кредит уюшмаси аъзоларига хизматлар кўрсатишга доир мавжуд усуллари кўрсатинг (оммавий ахборот воситаларида рекламалар жойлаштириш, илмий семинарлар ва йиғилишлар ўтказиш йўли билан).

III. Раҳбарият ва бошқариш

Кредит уюшмасининг муассислари раҳбарлари ва кенгаш аъзолари, ижро этувчи органи ҳақида маълумот келтиринг:

кредит уюшмасининг барча муассислари ва кенгаш аъзоларининг номлари ва манзиллари;

кредит уюшмасининг ижро этувчи органи аъзоларини ҳамда бош бухгалтер номлари ва манзиллари; вакил шахснинг исми-шарифи ва манзили.

Кенгаш аъзолари, ижро этувчи орган, кредит қўмитаси ва тафтиш комиссиясининг ташкилий таркиби ва мажбуриятларини тавсифлаб беринг.

IV. Бозор таҳлили

Хизмат кўрсатилиши мўлжалланаётган бозорни таҳлил қилинг. Сизнинг ташкилотингиз хизмат кўрсатмоқчи бўлган бозорни иқтисодий жиҳатдан тавсифлаб беринг. Бозорда кутилаётган ўзгаришларни, бундай ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни ва уларнинг тузилаётган кредит уюшмасига таъсирини тавсифлаб беринг. Таҳлил охириги иқтисодий маълумотлардан

фойдаланишга асосланган бўлиши шарт.

Кўзда тутилаётган хизмат кўрсатиш бозоридаги рақобатни таҳлил қилиб чиқинг. Сиз хизмат кўрсатмоқчи бўлган бозор сегменти (бўғими)даги рақобатчиларни, мазкур бозорга таъсир ўтказа оладиган ташқи рақобатчиларни, шунингдек, бошқа потенциал рақобатни санаб ўтинг. Уларнинг бозор стратегияси таҳлили ҳамда ўзингизнинг ўзлаштиришингизни ва тузилаётган кредит уюшмасига кутилаётган таъсирини тавсифлаб беринг.

V. Мақсад ва режалар

Бозор таҳлилида, янги кредит уюшмасини мақсад ва прогнозларни ўрнатилишида фойдаланилган асосий прогноз тахминларини тушунтиринг ва тақдим этинг. Энг камида қуйидаги маълумотларни киритинг: бозор ўсиши, фоиз ставкалари, ресурслар қиймати, рақобат.

Актив ва мажбуриятлар таркиби. Молиявий прогноз ҳисоботлар актив ва мажбуриятлар таркибини, асосий воситаларга бўлган инвестицияларни ҳамда ходимга берилган компенсация (тўлов)ларни кўрсатишлари лозим. Улар бозор таҳлили ва стратегияларда акс эттирилган тахминларга асосланиши шарт.

VI. Капитализация

Танлаб олинган стратегия ва режалаштирилган харajatларга, ташқи шароитга кўпроқ мувофиқ келувчи, тахмин қилинаётган капитал таркибини тақдим этинг.

Капиталнинг ўсиш режасини ва биринчи уч йилда молиявий ўсиш фаолиятини тасвирлаб беринг.

VII. Кредит уюшмасини тузишга манфаатдор бўлган шахслар гуруҳларини ўрганиш

Ҳар бир потенциал кредит уюшмаси маҳаллий аҳолининг кредит уюшмаси фаолиятига бўлган қизиқишларини, шунингдек, кредит уюшмасининг потенциал аъзоларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказди. Тадқиқотлар натижалари тахминий бўлиб, ёзма равишда расмийлаштирилади.

Алоҳида ҳолларда кредит уюшмасининг потенциал ҳомийларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ҚАРОРИ**

2006 йил 14 июл

№ 16/7

Тошкент ш.

**БАНК КАССАЛАРИДАГИ НАҚД ПУЛ ҚОЛДИҚЛАРИГА ЛИМИТЛАР
БЕЛГИЛАШ ВА УЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 21 июлда 1598-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 31 июлдан кучга киради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви

қарор қилади:

1. «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида Низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк
Раиси**

Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ

БАНК КАССАЛАРИДАГИ НАҚД ПУЛ ҚОЛДИҚЛАРИГА ЛИМИТЛАР БЕЛГИЛАШ ВА УЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»-ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»-ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар ўрнатиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиб, қоидаларини белгилаб беради.

I. Умумий тушунчалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунча ва терминлардан фойдаланилади:

Максимал лимит - Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-касса марказлари ҳамда тижорат банклари ва уларнинг филиаллари айланма кассаларида кун охирида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғининг энг юқори чегарасини белгилайдиган меъёрдир.

Минимал лимит - тижорат банклари ва уларнинг филиалларида нақд пул захирасига ўрнатиладиган меъёр бўлиб, унинг қуйи чегараси - банк кассаларидан қилинадиган ўртача бир кунлик нақд пулдаги чиқимлар доирасида белгиланади.

Махсус дастур - банк кассаларига нақд пул қолдиқлари бўйича ўрнатилган лимитларга риоя этилишини кунлик мониторинг қилиш ва назоратга олиш мақсадида Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган дастур.

II. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар ўрнатиш тартиби

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи ҳар бир тижорат банки (филиали) айланма кассаларига ва нақд пуллар захирасига ҳамда Марказий банкнинг ҳар бир ҳудудий Бош бошқармасидаги айланма кассаларга ва нақд пулларнинг захира фондларига нақд пуллар қолдиқлари бўйича лимитлар белгиланиши шарт.

3. Банклар айланма кассаларидаги нақд пуллар қолдиғининг максимал лимитлари ва нақд пуллар захирасининг минимал лимитлари - Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари (кейинги матнларда МБ ҲББ) томонидан тижорат банки билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

Айланма кассадаги нақд пуллар қолдиғига лимит - кун охирида банк айланма кассасида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғи суммасига нисбатан ўрнатилади ва у тижорат банклари томонидан МБ ҲББларига тақдим этиладиган ҳисоб-китоб асосида ўрнатилади.

4. Валюта айирбошлаш шохобчаси кассирларига ҳисобдорлик шarti билан берилган нақд пуллар суммаси - банк бўлими айланма кассаси қолдиғига ўрнатилган лимит суммасига киритилмайди.

5. МБ ҲББ айланма кассаларидаги нақд пуллар қолдиғига ва нақд пуллар захира фондларига лимитлар - Марказий банки томонидан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда белгиланади ва лозим бўлган тақдирда ўзгартирилади.

6. Кун охирига айланма кассада қолаётган нақд қоғоз пуллар ва тангалар қолдиқ суммаси - банк айланма кассаси қолдиғига ўрнатилган лимитдан ошмаслиги лозим.

Банклар айланма кассалари учун белгиланган ли-

митдан ортиқча пуллар, нақд пуллар захирасига, Ҳисоб-китоб касса маркази айланма кассасидаги лимитдан ортиқча пуллар эса нақд пуллар захира фондига шу куни ўтказилиши шарт.

7. Тижорат банклари (филиаллари) ўзларининг нақд пуллар захирасини, зарурат бўйича ихтиёрий тарзда тасарруф этадилар.

Марказий банкнинг ҲББда ташкил этилган нақд пулларнинг захира фондлари - фақат Республика Марказий банки томонидан берилган рухсатнома асосида, рухсатномада белгиланган сумма доирасидагина чиқим қилиниши мумкин.

8. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар ўрнатиш, уларни ўзгартириш ва унга риоя этилишига доир барча ёзишма, топшириқ ва кўрсатмалар фақат биринчи бошқарма орқали юборилади.

9. Марказий банк ва МБ ҲББ нақд пуллар оқими, ҳаракати, банк кассалари орқали кирим-чиқими, нақд пул қолдиқлари бўйича ўрнатилган лимитларга риоя этилиши ҳамда нақд пулдаги ҳисоб-китобларнинг ҳолати бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, шунингдек, муомаладаги нақд пуллардан оқилона фойдаланиш мақсадида нақд пулларни ҳудудлар ва тижорат банклари (филиаллари) ўртасида қайта тақсимлайдилар.

III. Банк кассаларидаги нақд пуллар қолдиқларига белгиланган лимитларга риоя этилишини назорат қилиш

10. Банк кассаларидаги нақд пуллар қолдиқларига белгиланган лимитларга риоя этилиши Марказий банкнинг Пул муомаласи департаменти томонидан махсус дастур орқали назорат қилинади.

Белгиланган лимитларга риоя этилишини мониторинги ва назорати МБ ҲББ ва ҳар бир тижорат банки (филиали) бўйича олиб борилади.

11. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига ўрнатилган лимитларга доир маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»-ги Қонунида белгиланган талабларга қатъий риоя этилиши лозим.

12. Тижорат банклари (филиаллари) ҳар ойда бир марта, кейинги ойнинг иккинчи иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, МБ ҲББга касса қолдиқларига ўрнатилган лимитларга ҳисобот оyi давомида риоя этилиши бўйича белгиланган шаклда ҳисобот бериб борадилар.

МБ ҲББ ўз навбатида, кейинги ойнинг бешинчи санасигача ўз ҳудудларидаги тижорат банклари (филиаллари) томонидан ўрнатилган касса қолдиғи лимитларига ҳисобот оyi давомида риоя этилиши бўйича умумлашган маълумотларни Республика Марказий банкига тақдим этадилар.

13. Махсус дастур ёрдамида ва жорий этилган ҳисобот бўйича тўпланган маълумотлар таҳлили асосида банк кассаларига ўрнатилган лимитларга риоя этилиши ҳолати бўйича умумлаштирилган маълумотлар Марказий банк раҳбариятига тақдим этиб борилади.

14. Банк кассаларига ўрнатилган лимитларга риоя этилишини таъминламаган тижорат банклари (филиаллари) раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

АТТФ ДАН МАМНУНМИЗ

Исфандиёр АХМЕДОВ,
молия факультети тингловчиси.

Бу йил Люксембургга жами бўлиб 10 нафар тингловчи тақлиф этилди. Танлов эса, ўша давлатдан келган лекторларнинг 120 соатлик семинар машғулоти давомида бўлиб ўтди. Люксембургнинг "Молиявий технологияларни узатиш агентлиги"дан келган профессорлар ўз машғулотларини савол-жавоблар тарзида ўтказиб, дарс мобайнида тингловчиларни баҳолаб борди. Энг юқори рейтингга эга бўлган тингловчи эса, ўз-ўзидан маълумки ёзги мактаб таълимини Люксембургда давом эттиришни қўлга киритди. Бундан ташқари, тингловчининг диссертация мавзуси стажировка дастурига тўғри келиши муҳим рол ўйнади. Менинг бундай имкониятни қўлга киритишимга илмий ишим мавзусининг хизмат сафари мавзуси билан мослиги (Хорижий сугурта компанияларининг қимматли қозғолар бозоридаги инвестицион фаолияти) ҳам сабаб бўлди.

Амалиётни "Молиявий технологияларни узатиш агентлиги" (АТТФ) ташкил этди. Дарсларни Европада тан олинган юқори малакали соҳа мутахассислари олиб боришди.

Маълумки, сугурта тизимида инвестицион фаолият жуда долзарб мавзу бўлиб келмоқда. Инвестицияларни қайтариш риск ҳисобланади. Унинг олдини олиш, хатарлардан қўриқлаш алоҳида бир мавзу бўлиб, мени жуда қизиқтирарди. Мен стажировка давомида буларнинг барчасига жавоб олдим. Ҳозирда у ерда ўрганган билимларим асосида илмий ишимни давом эттирмоқдам.

ЛЮКСЕМБУРГ ОРҚАЛИ
МОНГОЛИЯНИ ТАНИДИМ

Абдухалил ТЎРАҚУЛОВ,
лойиҳаларни молиялаш
факультети тингловчиси.

Орзу-ният қилиш ҳаммининг қўлидан келади. Аммо унга фақат ҳаракат қилиш орқали эришиш мумкин. Мен бу имкониятни осонликча қўлга киритганим йўқ.

Сафарга юборишда дарсларга қатнашиш (даволат, тингловчилар билимини назорат қилиш ва рейтинг ҳолати), диплом иши мавзуси – буларнинг ҳаммаси инobatга олинган, албатта.

Сафар ташкилотчиси бўлган Люксембургнинг "Молиявий технологияларни узатиш агентлиги" ўз олдида асосан тўртта мақсадни кўйган. Булар ривожланаётган давлатларда молиявий тизимларни мустаҳкамлаш, давомий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, камбағалликка қарши курашиш ҳамда Люксембургни молиявий марказ сифатида танитиш қабилдир. Ишончим комилки, агар ташкилот ўз ишини шу тарзда давом эттирсин, у тез фурсатда олдида қўйган мақсадига эришади.

Биз у ерда фақат назарий ва амалий билимларимизни бойитибгина қолмасдан, бошқа давлатдаги тенгдошларимиз билан ҳам дўстлашишдек имкониятни қўлга киритдик. Мисол учун, мен Монголия ҳақида жуда кам тушунчага эга эдим. Бирга машғулот ўтаган тенгдошларимдан ўша давлат

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ
КАТТА МАКТАБ
ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Банк-молия академияси Марказий Осиёда шу соҳага ихтисослашган ягона илм даргоҳи ҳисобланади. Шу боис, у ташкил этилганидан буён чет эл мутахассисларининг, соҳа экспертларининг диққатини жалб қилиб келмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг 40 дан ортиқ ривожланган давлатлари билан алоқа ўрнатиб келаётган академия ўз тингловчиларининг банк, молия ва солиқ соҳалари бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларга бориб тажриба орттириб келишларини таъминламоқда. Хусусан, бу йил ҳам илмий изланишлари билан яхши натижаларни қўлга киритган, қолаверса таҳсил давомида устозлари эътиборига тушган 70 дан ортиқ тингловчилар АҚШ, Япония, Люксембург, Латвия, Польша, Россия, Ҳиндистон каби давлатларга сафар қилдилар. Уларнинг аксарияти аллақачон мазкур таълим сафаридан қайтиб, ўз фаолиятларини бошлаб юборишган. Биз ушбу тингловчилардан сафар таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

1. Тенгдошларингиз ичида нима учун айнан Сизни лойиқ деб топишди?

2. Қайси давлатда амалиёт ўтаб қайтдингиз?

3. Сафар мобайнида орттирилган таассуротлар билан ўртоқлашсангиз?



ҳақида, қолаверса, у ердаги мавжуд банк, молия ва солиқ соҳаларидаги ўзгаришлар, камчилик ва ютуқлар борасида қимматли маълумотларни қўлга киритдик.

Эндиликда магистрлик диссертациямни фақат Люксембург мисолида эмас, балки бошқа давлатлардаги ўзгаришлар билан ҳам бойитсам бўлади.

БИЗ УЧУН ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ МУҲИМДИР

Мирнодим РАДЖАПОВ,
молия факультети тингловчиси.

Академияга тингловчилар худди чет элга чиқиш учун зарур бўлган талаблар асосида қабул қилинади, яъни хорижий тилларни (асосан, инглиз тилини) мукамал билишлик ҳамда банк, молия, солиқ соҳалари бўйича юксак илмий салоҳиятга эга бўлишлик каби. Бундан ташқари, академияга киришда тингловчининг меҳнат дафтарчаси ҳам муҳим аҳамият касб этади – тингловчи камида 2 йилдан буён мазкур соҳаларда фаолият юритаётган бўлиши керак.

Энди бевосита саволингизга қайтадиган бўлсак, мен асосан бу танловда таҳ-

сил давомидаги тўплаган рейтинг балларимнинг юқорилиги билан ютиб чиқдим.

Биз 15 нафар тингловчи Польшанинг Варшава Банк институтида банк иши, лойиҳаларни молиялаш ҳамда молия йўналишлари бўйича амалиёт ўтаб қайтдик.

Институтда шу соҳаларнинг малакали мутахассислари семинар машғулотларини ўтишди. Бундан ташқари, биз Польшанинг энг йирик банкларига бориб, амалий машғулотлар ўтадик. У ердаги иш жараёнларини кузатиб, бевосита иштирокчиси бўлдик.

Польшада банкларнинг 75 фоизини хорижий банклар ташкил этади. Бунга сабаб банк секторининг хорижий инвесторлар учун очик эканлигидир. Давлат улуши 51 фоизни ташкил қилувчи ягона банк PKO BANK POLSKA (Халқ банки) бўлиб, унинг вазифаси мамлакатимиздаги Марказий банкниқидек экан. У ердаги банк мутахассислари бизга банкларни назорат қилиш ва уларни бошқариш усуллари каби мавзуларда маърузалар ўтиб, саволларимизга тўлақонли жавоб беришди.

Менинг магистрлик диссертациямнинг мавзуси сугурта компаниялари фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги учун кўпроқ диққатимни декция (банк ва су-

гурта компаниялари ўртасида тузиладиган уюшма)ларга қаратдим. Польшада мана шундай уюшмаларнинг энг йириги деб "KREDIT BANK" банки ва "WARTA" сугурта компаниялари ўртасида тузилган уюшма эътироф этилар экан. Мен кўпроқ ўша ташкилот фаолияти билан шуғулландим.

САФАР КАТТА ТААССУРОТ
ҚОЛДИРДИ

Фарҳод РАҲМАТОВ,
лойиҳаларни молиялаштириш
факультети тингловчиси.

Умринг бутун маъноси мавҳумликни тўхтовсиз забт этиш, тобора кўпроқ билишга интилишдир. Буюк олим Эмиль Золя томонидан айтилган мазкур фикрга мен доимо амал қиламан.

Биз факультетда хорижий давлатлардаги молиявий ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишамиз. Бунда бизга электрон воситалар (интернет тармоғи) яқиндан ёрдам беради, қолаверса, чет эл мутахассисларининг ўзлари ташриф буюриб, ҳафталик, ойлик семинар машғулотларини ўтиб кетишади. Бироқ мени буларнинг бари ҳам қониқтиривермасди. Олган назарий билимларимни амалиётда ўз кўзим билан кўришни истардим ва бу тез орада амалга ошди. Мен ҳам бошқа тенгдошларим қатори чет элга чиқиб катта-катта молиявий ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишишга мушарраф бўлдим.

Биз Польшанинг қадимий шаҳри Краковда бўлдик, йирик поляк банкларидан бўлмиш PBN BANKдан мутахассислигимизга оид энг зарур ва керакли ахборотларни олдик. У ердаги малакали мутахассислар бизга кўпроқ бугунги кунда банк тизимида долзарб ҳисобланувчи рискларни бошқариш ва уларни камайтириш мавзуларида қимматли маълумотлар беришди. Бундан ташқари, ушбу банкда биз учун "Базел-2" стандарти бўйича махсус семинар ташкил этилди. Унда мутахассислар мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, мақсад ва вазифалари тўғрисида ахборот беришди. Шунингдек, "Базел-2" стандарти бўйича кредитнинг олинишидан тортиб, унинг қайтарилишигача бўлган жараёнлар юзасидан тақдимот қилинди.

Сафаримизнинг якуний босқичида ҳар биримиз ўз илмий ишларимиз юзасидан 15-20 минутлик маъруза-қилдик. Варшава Банк институтидан жалб қилинган профессор-ўқитувчилар амалиёт ишимизни мунтазам баҳолаб боришди.

Мустақил ҳаёт кечиришни ният қилган ҳар қандай давлат учун ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ўта муҳим ҳисобланади, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам. Зеро, келажак ёшлар қўлида экан, уларга мана шундай тараққий этган давлатларга бориб тажриба ўтаб келишдек имкониятлар яратиб тез орада самара бермай қолмайди.

Сўнги сўз ўрнида истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида ўзининг 10 йиллигини қарши олаётган Банк-молия академиясининг кейинги ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз. Билимга чанқоқ, юксак салоҳиятли тингловчиларингиз сафи бундан-да кўпаяверсин.

Материални
Зарина УСМОНОВА
тайёрлади.

ВАЯ АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш «Заковат»
ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллахонов
(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров
(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов
(Тахрир Кенгашининг
масъул котиби),

Раҳмон Каримов
Абдурахмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перлер
БОШ МУҲАРРИР
Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА,
«Иқтисодиёт ахборот агентлиги»,
«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун
134-13-13
телефони орқали мурожаат қилинг,
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент,
F. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz
www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуктаи назари тахририятнинг нуктаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «ВА» да эълон қилинган материалларни қўриб босишга ижозат берилади. Кўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓜ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-1003
Тираж 5386 нусха.
Босишга рұхсат этилди
1.08.2006 й.